СУРУНКАЛИ РИНИТЛАРНИ ҚИЁСИЙ ТАШХИСЛАШДА ВА ДАВОЛАШДА РИНОЦИТОГРАММА УСУЛИНИНГ АХАМИЯТИ

Юлдашева Ф.У.,Пулатова Г. Б., Якубова Х.А.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Тиббиёт бош бошқармасига қарашли 1-сонли Марказий консультатив поликлиникаси (Тошкент, Ўзбекистон)

Риноцитограмма - бу бурун бўшлиғидан олинган шиллиқ ажратмаларни микроскоп ёрдамида текшириш усули бўлиб, шиллиқ таркибидаги хужайраларни аниқлаш орқали, яллиғланиш жараёни инфекция ёки аллергия билан боғлиқлигини аниқлашга имкон беради.

Риноцитограмма айниқса даволашни тўғри белгилаш учун мухим ахамиятга эга. Бу усулнинг қон билан боғлиқ эмаслиги (ноинвазив), тез бажарилиши, арзонлиги учун амалиётда кенг қўллаш мумкин.

Риноцитограмма узоқ вақт давом этувчи, мавсумий, йил давомида бурун битиши билан бирга кечадиган ринитларда кўпроқ қўлланилади.

-эозинофил хужайралар миқдорини юқорилиги бурун бўшлиғидаги яллиғланиш аллергия туфайли эканлигини билдиради >6 % (умумий лейкоцитларга нисбатан).

-эозинофиллар >10% полиплар борлигидан далолат беради.

-нейторфиллар миқдорини ортиши яллиғланиш жараёни, инфекцияга оид (кўпроқ касалликни ўткир даврида) эканлигини билдиради,

-Лимфоцитлар бурун бўшлиғидаги яллиғланиш, инфекция билан боғлиқ узоқ давом этувчи сурункали ринитларда кузатилади-Эритроцитларнинг бўлиши эса бурун деворидаги қон томирлар ўтказувчанлигини ортиб кетганлиги туфайли юзага келади (грипп, дифтерия).

Аллергик ринитларнинг сурункали ринитлардан қиёсий диагностикаси

Касаллик сабаблари	Аллергик ринитлар	Сурункали ринитлар
	Аллергенлар: маиший уй чанги,ўсимлик чанглари,озиқ –овқатга оид,уй хайвонларининг хаёт фаолияти махсулотлари,қазғоғи,жуни.	Анатомик нуқсонлар,бурун бўшлиғи касалликлари,ўткир хид,хароратнинг кескин ўзгариши,деконгестантларни доимий равишда қўллаш,хомиладорлик,гипотиреоз,ИТС,Вегенер грануламатози.
Анамнез	Анамнезида аллергик касаликларнинг наслида ва беморнинг ўзида борлиги	Аллергик касалликлар йўқ
Терида аллергенлар билан ўтказиладиган синамалар	Мусбат	Манфий
Бурун шиллиқ қаватида цитологик текширишдаги шиллиқ таркиби	Суртмадаги эозинофиллар 4-6%	Эозинофиллар йўқ, нейтрофиллар кўпроқ.

Қондаги умумий иммуноглобулин Е миқдори	Меьёрдан юқори	Меьёрий даражада
Қондаги махсус иммуноглобулин Ig E бор ёки йўқлиги	бор	йўқ

Тадқиқот мақсади: Узоқ вақт давом этувчи сурункали ринитларнинг сабабларини аниқлаш, аллергия ёки инфекция билан боғлиқлигини, яллиғланиш жараёнининг турини хамда даволашни тўғри йўлга қўйиш.

Бу усул жуда оддий, болаларда хам бемалол қўллаш мумкин, хеч қандай нохуш сезгилар, ноқулайликлар туғдирмайди. Шифокор дистилланган сув би-лан намланган пахта ўралган таёқча ёрдамида бурун бўшлиғидан суртма олади, буюм ойначаси устига суртилади, уй хароратида қуритилиб, “Романовский Гимза” усулида бўялади ва микроскоп остида текширилади.

Бурун бўшлиғидан суртма олишдан 2-3 кун олдин турли малхамлар (кортикостероидлар, антибиотик сақловчи), томчи хамда аэрозоль шаклдаги дори воситалари, антигистамин препаратларини қўллаш тўхтатилади.

Антибиотиклар ва антигистамин препаратларини қабул қилиш хам мумкин эмас (5-7 кун олдин).

Текшириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси хузуридаги Тиббиёт бош бошқармасига қарашли 1-сонли марказий консультатив диагностик поликлиникасининг клиник диагностик лабораториясида амалга оширилди.

Тадқиқот тахлиллари сурункали ринит билан узоқ вақт давомида касалланган 188 нафар беморларда олиб борилди.

Бурун бўшлиғидан олинган цитологик суртма “Романовский Гимза” усули билан бўялди (Sypress Diagnostics Бельгия) Хитойда ишлаб чиқарилган рақамли электрон микроскоп ёрдамида текширилди. Суртмадаги хужайраларнинг камида 200-400 таси саналиб уларнинг турлари фоиздаги нисбати (эозин-офиллар, нейтрофиллар, эпитилиал ху-жайралар, лимфоцитлар) аниқланди

Натижалар: Текширувлар давомида беморларнинг 139 нафарида (73,9 %) эозинофиллар аниқланди,49 нафарида (26%) нейтрофиллар, лимфоцитлар, ясси эпителийлар аниқланди.

Бурун бўшлиғидан олинган суртмаларни текшириш усули узоқ давом этувчи сурункали ринитларни қиёсий ташхислашда ва даво муолажаларини тўғри танлашда мухим ва арзон усул сифатида қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Меньшиков В.В.Лабораторные методы исследования в клинике.

2. Камышников В.С. Колб В.Г.Становление лабораторной медицины и клинико-лабораторной службы.

3. С.Ю.Нетесова, О.М.Радионова, Е. В.Просекова Владивостоковский медицинский институт, Детская городская клиническая больница.2023г.